

# ЖАҢКУСУЗУ

ЎЗБЕКИСТОН  
ҚАМАРИ, 1412 ЙИЛ,  
ЗУЛ-ҚАЙДА, 27-КУН.  
ШАМСҒИ,  
1371 ЙИЛ,  
ЖАВЗО, 8-КУН.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенashi ва Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Вазирлар маҳкамасининг рўзномаси

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1992 ЙИЛ 29 МАЙ, ЖУМА, 103-СОН • 354 •

НАРХИ: СӨТҮВДА 1 СЎМ 50 ТИЙИМ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ

## РЕСПУБЛИКА ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИК КОРХОНАЛАРИНИ ҚУШИМЧА ҚИЯМАТДАН БЮДЖЕТГА СОЛИҚ ТЎЛАШДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликларига, деҳқонлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига давлат томонидан қўшимча мадад бериш мақсадида:

1. Қишлоқ хўжалик корхоналари 1992 йилнинг 1 июнидан бошлаб қўшимча қийматдан солиқ тўлашдан озод қилинсин.
2. Жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликларига ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига солиқ тўлашдан озод бўлиш ҳисобига олинган қўшимча маблағларни асосан иш ҳақини оширишга сарфлаш, мақсулот ишлаб чиқариш харажатларида меҳнат ҳақи жағмарасининг 70 фоизига қадар етказилишини таъминлаш тавсия қилинсин.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Вазирлар маҳкамаси мазкур Фармон бажарилишини таъминлаш юзасидан 3 кун мудат ичиде қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**.

Тошкент шаҳри, 1992 йил 28 май.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ  
ҚАРОРИ

## КРЕДИТ МАБЛАҒЛАР АЖРАТИШ ТЎҒРИСИДА

Нархлар ошганлиги ва кредит маблағлар тақчиллиги сабабли республика халқ хўжалигининг бир маромда ишлаши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш мақсадида Вазирлар маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикасининг давлат банкига сановат

корхоналари, деҳқончилик-сановат мажмуи, савдо ва таъминот ташкилотларига кредит пули бериш учун аниқ мақсадни мўлжаллаб 4500 миллион сўм ҳажмида кредит маблағлар ажратиш тавсия қилинсин.

2. Мазкур кредит маблағлар 2500 миллион сўм миқдорда Ўзбекистон деҳқончилик-сановат банкига ва 2000 миллион сўм миқдорда Ўзбекистон сановат-қурилиш банкига берилсин.

Вазирлар маҳкамасининг раиси **И. КАРИМОВ**.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ  
ҚАРОРИ

## ҒАЛЛА ХАРИД НАРХИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республикада ғалла етиштириш ҳажмини кўпайтириш учун шарт-шароит яратиш ҳамда жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликлари, ижарачи жамоалар ва фермер хўжаликларининг оширилган улгуржи нархларда моддий-техникавий ресурсларни сотиб олиш харажатларини қисман

қоплаш мақсадида Вазирлар маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик вазирлигининг ғалла харид нархларининг энг юқори даражасини ошириш юзасидан Молия вазирлиги билан келишилган ва иловада

Вазирлар маҳкамасининг раиси **И. КАРИМОВ**.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ

## 1992 ЙИЛ 28 МАЙДАГИ 250-СОНЛИ ҚАРОРИГА ИЛОВА

### ДОННИНГ ЭНГ ЮҚОРИ ХАРИД НАРХЛАРИ

(Бир тоннаси учун сўм ҳисобида)

бугдой	8000
арпа	6400
сули	6400
қора бугдой	7660
шоли	11000

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

## 28 МАЙ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАҚСАДИ БУДИ. УНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ А. МУТАЛОВ БОШҚАРДИ.

Мажлисида «1992—1993 йилларда республика корхоналарида энг зарур шарт-шароитларни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги масала муҳокама этилди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари

ри А. Н. Возненко шу ҳақда маъруза қилди. Мажлисида, шунингдек республикадаги бир қанча олий ўқув юрталарининг ректорлари тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раиси Ш. М. Ўлдошев иштирок этди.

(Бу ҳақдаги ҳисобот газетанинг навбатдаги сонларидан бирда эълон қилинади.) (З.А.)

ҚОНУНЛАР ҚАЧОНГАЧА ПАЙСАЛГА  
СОЛИНАДИ

## КАСАБА УЮШМАЛАРИ НИМАГА ҚОДИР

ТОШКЕНТДА Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси сайлаб қўйилган фаолиятининг «Бозор иқтисоди шароитида касабаси уюшмаларининг фаолияти тўғрисида» икки кунлик семинар бўлиб ўтди. Унда республика касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши, вилоят ва шаҳар кенгашларининг, вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, тармоқ касабаси уюшмалари, чет эллардан келган меҳмонлар иштирок этдилар.

Семинарни Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгашининг раиси Б. Алламурадов очди.

Сўзга чиққанлар ҳозирги кунда иқтисодий бўҳрондан қутилишни аниқ-равшан дастури йўқлиги, меҳнатқиллик ва маърабатнинг пухта ҳимояланганини таъминлашнинг асосий қонунилар ва ана шу қонуналарга доир ҳужжатлар ҳамон қабул қилинмаётгани касабаси уюшмаларининг ишчи қийинлаштираётганини таъкидлашди.

«Касабаси уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари тўғрисида», «Иқтисодий шерикчилик, жамоа шарҳномалари ва битимлари тўғрисида», «Энг кам иш ҳақи тўғрисида»ги қонунарни қабул қилиш пайсалга солинапти. Энг кам истеъмол бюджетини белгилаш, тариф битимлари тўғрисида, иш ҳақини ислоҳ қилиш кечикаётгани,

нарх-наво ошишига қараб маошининг мутаносиб қўлағи борасида ҳам аниқ йўриқ таъйинланмаганлиги айтилди.

Солиқ сисбатининг номукамаллиги ва уни жойларда татбиқ этишда ноаниқликларга йўл қўйлаётганлиги меҳнат жамоаларининг молиявий жиҳатдан оғир аҳволга солиб қўйгани, соғлиқни сақлаш, экология муаммолари хусусида фикрлар билдирилди.

Кечада Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгашининг раҳбарлари — Б. Алламурадов, Т. Собитов, М. Тўлаганова, соғлиқни сақлаш, маҳаллий сановат, коммунал хўжалик ва маҳаллий хизмат, давлат муассасалари ходимлари касабаси уюшмалари вилоят кўмиталарининг раислари билан учрашди. Жойларда юз бераётган муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан савол-жавоблар бўлди.

Семинар ишида қатнашган Италия умуммеҳнат конфедерацияси котиби Вероне Кучини ва шу конфедерациянинг ИРЕСА тадқиқот институти ходими Франко Баролотти бозор иқтисоди шароитида касабаси уюшмалари ташкилотларининг мазфалари ҳақида гапириб бердилар.

Семинарда Республика Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев нутқ сўзлади.

## ЎЗБЕКИСТОН Ватанчим манчим

МУХБИРЛАРИМИЗ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ ХАБАРЛАРИДАН

### ЎРТА ОСИЁДА ЯГОНА МАРКАЗ

ТОШКЕНТДАГИ 6-ШАҲАР ШИФОХОНАСИДА МИКРОХИРУРГИЯ МАРКАЗИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

ҲОЗИРЧА бу ўрта осийда ягондир. Унда оғир беморлар дардан фойда бўлишади. Мураккаб жарроҳлик операциялари электрон микрооскоп остида амалга оширилади. Профессор Ҳақбердиев раҳбарлигида шифаётан шифокорлар турли марказларда малака оширишган.

### СУНҒИЙ ҚУЁШ НУРИ

ЎЗБЕКИСТОН ФА илмий асбобсозлик марказий лойиҳа-конструкторлик ва технология бюроси олимлари кўнунда «Промстройбанк» таратувчи қурилма яратилди.

МУТАХАССИСЛАРИНИНГ таъкидлашича, бу асбоб асосан электрон сановати тармоқларида, геотехника ва материалшунослик соҳаларида фойдаланишда қўл келаркан.

### «КОНСТРУКТОР» ДУДЛАЙДИ

ЯНГИНГҒУЛ қолбаса тажриба заводида ихчам дудлаш қурилмаси ўрнатилди.

УНИ Республика Қишлоқ хўжалиги вазирлигига қарашли «Конструктор» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг мутахассислари тайёрлашди. Янги қурилма турдошларидан кам жойни эгаллаш, мақсулдорлиги билан фарқланади. Зарур ҳарорат, тутун меъерини автомат механизмлар таъминлайди.

### НАВОЙИ УЗРА СССР БАЙРОГИ

МАЙ байрамлари давом этаётган кунларда Навоий шаҳар «Промстройбанк» маъмурий биносининг пештоқида солиқ иттифоқини қизил байроғи қилишди.

АЛБАТТА, бу ҳол ҳеч кимни таажубга солмади. Одамлар байрам кунлари тирриқчилик ташвишлари билан банд эди-да. Аммо ушбу мухташам бино устида қизил байроғини қилиб турини ниматга ишора эди? Сигинишми ёки шунчаки эътиқод? Ёки банк бошқарувчиси Елена Александровна Будник марказдан бошқарилган тоталитар шўрлар тузумини қумсаб қолдими? Буниқин билмадик. Наҳотки, у кишининг дидига Ўзбекистон байроғи ўтирмаган бўлса?

### ЛАЗЕР НУРИ ДЕҲҚОН ХИЗМАТИДА

ТЕРМИЗ давлат дорилфунуни олимлари сабабот ва полнэ эквилибрийнинг илдириши касаллигига қарши курашда лазер нури жуда қўл келшини аниқлашди.

ИЛДИЗИ нуриланган ниҳоллар касалликка чалинмай барвақ ўси. Ҳосил мўлжалдан анд бўлди. Бу усул Термиз райониди «Намуна» жамоа хўжалиги далаларида, деҳқонларнинг томорқаларида сиқаб қуриди.

### ТАБАҚАЛАШТИРИЛГАН СИНОЛАР

НАВБАҲОР райониди мактабларда табاقاتлаштирилган синфлар ташкил этилди.

ЎТГАН ўқув йилида синов тарихида 5-синф ўқувчилари учта, яъни «азло», «яқши», «қониқарли» гуруҳларга ақратилди. Уларга малакали ўқитувчилар дарс ўтишди. Қизғи шундики, аълочилар ичидан яна аълочилар чиқиди.

### ТУГАШ АРАФАСИДА ЭДИ-Ю...

ФУТБОЛ бўйича Ўзбекистон чемпионати кўйи лигаларида беқарорлик юз бераётгани, ўзига ҳомий тополмаган командалар тарқаб кетаётгани одатий ҳол бўлиб қолди.

ЖИЗЗАХ вилоятидаги «Бўстон» футбол жамоаси ҳам ана шунча сабаблар туйғулди тугаш арафасида эди. Ин-Вигурув фабрикаси футбол командасининг ўз қарамогига олди. У эди «Вигуручи Бўстон» номи билан майдонга тушади. Жамоа асоси маҳаллий ишлардан ташкил топган.

### СОЙ-СОЙГА ОҚАР...

ЯҚИНДА Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи марказий қўмитаси янгидан ташкил этилган Навоий вилоят ёшлар иттифоқини мустақкамлаш учун 800 минг сўм маблағ ажратди.

БУ ҳақда вилоят ёшлар иттифоқининг биринчи котиби Шамсиддин Бозоров шаҳар рўзномасига расмий ахборот берган. Албатта, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи марказий қўмитасининг бу хайрли иш мақтовга ариғулди. Бизнингча, шу маблагни марказий қўмита ўзи муассислик қилаётган «Туркистон» рўзномасига ёки ногирон болалар, қариялар уйлари, кам таъминланган, қўл болад, оилаларга ажратганда эди, 100 минглаб муштарийларнинг, муҳтожларнинг савобиға қолган бўларди, начора, сой-сойга оқаркан-да.

Ўзбекистон Республикаси қонунининг 12-моддасига биноан солиқ солинадиган маблағдан истисно қилинадиган Қизил Ярмийо жамиятининг хайрия бадаллари ва бошқа хайр-эксонлар миқдорини теклашнинг беқор қилиш тўғрисидаги;

Қизил Ярмийо жамиятининг ҳақда у тасвир этган ташкилотлар ва корхоналар бюджетга тўланадиган барча солиқ маблағлариди; инқоздаги асосий вазифаларни бажариш шарти билан уларни ана шу солиқлардан озод қилиш ҳақидаги таклифларни тасдиқ этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси Қизил Ярмийо жамияти маблағ тўлаш юзасидан хайрия тадбирларини ўтказиш тартибин ишлаб чиқсин, шунингдек жамият фаолиятини қучайтириш ҳақда унинг Қизил Ҳоч ва Қизил Ярмийо миллий жамиятлари халқаро федерациясига аъзо бўлиб кириши билан боғлиқ масалаларни ҳал этсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**.

Тошкент шаҳри, 1992 йил 28 май.

## ҚЎШ ЮЛДУЗ ЧАҚНАДИ

ЎЗБЕКИСТОН Журналистлар уюшмаси Тошкент ташкилоти жумҳуриятимиз ҳаётидаги ўзига хос беҳад нувоичи воқеа — ижодкорлар Ойдин Хожиева билан Халима Худойбердиевага Ўзбекистон халқ шоири унвони берилиши муносабати билан катта тантана ўтказди. Чиройли баеатилган дастурхон атофида ижодкор хотин-қизлар, таниқли ёзувчи ва шоирлар жам бўлилар, саяҳаткорлар созу-хушовозлари билан хизматдан чарчамадилар.

Пинрилганлар номидан сўзга чиққан Лутфулла Кабиров, Гулчехра Нуриллаева, Расул Раҳмонов, Мирза Кенжабек ва бошқалар Республика Президенти бу Фармони иқтидорли, заҳматқош, халқпарвар, эл суйган шоирлар эканлини таъкидлашди. Тантанана эътироф этилганидек, адабиётимиз осмонда қўш юлдуз ёрқинрақ чақнади.

М. УЛУҒОВА.

## ЎЗБЕК МЎЪЖИЗАСИ РЎЙ БЕРСА АЖАБМАС

МЕН БУНГА ИШОНАМАН. ЭҲТИМОЛ ВУ МОДЕЛЬ ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИ БИЛАН МАНШҲУР



Жумҳуриятимизда ҳозирги иқтисодий аҳвол нисбатан қай ҳолатда?

эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Чет эллик ишбилармонлар ҳамкорлигида қўшма корхоналар барпо этиляпти. Иқтисодий ҳамжиҳатликнинг дастлабки самаралари хусусида тўхталиб ўтинган.

Мазлумки, Ўзбекистон иқтисодий асосан давлат мулки шаклида олиб борилади. Бу соҳада давлат яққоқчилиги ўрнатилган. Хориж тадбиркорлари ва инвестициясига тўсиқ қўйилган. Ҳозир иқтисодийда ширкат, ижара, яққоқ тартибдаги меҳнат, шахсий, чет эл корхоналари мулкий шакллари ривожланмоқда. Хусусий мулкка рўқсат этилди.

Ўзбекистон кўп киррали иқтисодий сари ҳам ошмаётган 1991 йил январидан бошлаб 1,4 мингга деҳқон хўжалиги, 10 мингга ортиқ кооперативларда 300 минг киши меҳнат қилаётди. Улар ўрта ҳисобда ҳар йили 2 миллион сўмлик мақсулот етказиб беради. Халққа хизмат кўрсатиш ижара корхоналарининг мақсулот ҳажми икки баравар кўпайди.

Сўнги йилларда республикада хорижий мамакатлар билан иқтисодий алоқалар мадал ривожланди. Бироқ аввалги йиллардаги каби чет элга чиқарилаётган мақсулотларнинг асосий қисми (87 фоиз) ни том-ашб (пахта, минерал ўғит, цемент, пилла, қорқул тери) ташкил этмоқда. Машина, асбоб-ускуна, химия сановати мақсулоти —

5—6 фоизга етди. Австрия, Афронистон, Германия, Ҳиндистон, Хитой, Польша, Югославия, Япония билан ўзаро савдо-сотиқлар кенгайди.

Республикада 70 га яқин қўшма корхоналар фаолият кўрсатаётди. Агар улар тўлиқ қувватда ишлаётганда, 2,7 миллиард долларлик мақсулот ишлаб чиқаришга имкон яратилади. Ишчи кучини Бирлашган Араб Амирлиги, Саудия Арабистони, Кувайт, Малазия ва шунга ўхшаш давлатларга экспорт қилиш мўлжалланмоқда. Бу юмушларни режасиз қилиш мумкинми?

Мажмууд нарх-наво билан иш ҳақининг номуносабиблигини қандай ислоҳ қилиш? Бозор муносабатлари шароитида халқнинг, айниқса, кам таъминланган кенсалар, ногиронлар, талабалар, кўп болали оилалар ноқарорлиги борапти. Бу ҳол фирингизча, қанча давом этиш мумкин!

Тўғриси айтиш керак... Ҳозир бошқа босқидан тортиб президентанга кишин. Албатта, давлат фойдаланиб сиёсий чайқовчилик ва иқтисодий сармоа тўпайётганлар ҳам бор. Бизда қурилган жамият тартиби инқозда қийинга тушган. Ундан қулулчи ҳам осоммас. Энди 3ир қаргани аниқлаб олиш лозим: ҳар ким меҳнатига яраша ҳақ олади. Ишонча ишлаб чиқарган мақсулот баҳосини, иш ҳақини ҳам ўзи белгилайди. Мақсулот бозорга чиқа-

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

### РЕСПУБЛИКА ПРОКУРАТУРАСИ ИДОРАЛАРИНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Прокуратура идораларидаги кўп йиллик самарали иш, қонунийликни мустақкамлаш ва ҳуқуқ билимларини тарғиб қилишига шахсан қўлшган ҳисса, иқтисодий турмушдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвон берилсин:

#### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЮРИСТ»

- Охунва Таңқиджон Парлиев — Фаргона вилояти прокуратураси умумий назорат бўлими бошлигининг ўринбосари.
- Қодирова Турсунхон Саломқандинова — Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси кадрлар бошқармасининг катта прокурори.
- Мустафоев Бўришо — Уз-

бекистон Республикасининг прокурори. Раҳматуллаев Исоқжон — Наманган вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси.

Собиров Аҳмад — Хоразм вилояти, Урганч шаҳар прокурорининг ёрдамчиси. Сойимов Тўражон — Сурхондарё вилоятидаги Қумқур-

ғон район прокурорининг ёрдамчиси. Ҳамроқуллова Адолат Бахромова — Самарқанд вилояти прокуратурасининг бўлим бошлиғи.

Сатторов Самат — Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси. Шосандов Комил Каримович — Андижон вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси. Юнусқўжаев Файзуллахўжа Абдурахимович — Ўзбекистон транспорт прокуратураси тергов бўлими бошлигининг ўринбосари.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЯ ЖАМИЯТИ ТЎҒРИСИДА

Инсонпарварлик, раҳм-шафқат ва беғараз ёрдам бериш, халқ аъналарини намоён этиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳамкорлигини ривожлантириш ҳақда Қизил Ҳоч ва Қизил Ярмийо ҳаракатининг олий мақсад ва қондаларини рўйга чиқаришда жумҳурият жамоатчилигининг иштироки этиши учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида:

1. Қизил Ҳоч ва Қизил Ярмийо халқаро ҳаракатининг бир қисми сифатида Ўзбекистон Қизил Ярмийо жамиятининг ваколатларини белгилаб берган 1949 йил 12 августдаги Женева конвенцияларининг ҳақда 1977 йил 26 сентябрдаги I ва II қўшимча протоколларини тасдиқлаш тўғрисидаги масала Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг муҳокамасига қўйилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Қизил Ярмийо жамияти республиканинг бутун ҳудудда иш қиладиган инсонпарварлик ёрдами бериш со-

ҳасида давлатга ҳамда унинг соғлиқни сақлаш ва аҳолини иқтисодий муҳофаз қилиш идораларига иштироки равишда қўмақлашадиган. Давлат Қизил Ярмийо жамиятининг ҳуқуқ ва ваколатларига риоя этилишини кафолатлайди ҳамда инқозда кўрсатилган фаолиятини амалга оширишда унга ёрдам беради.

3. Қоракалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, вазирликлар, идоралар, бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари Қизил Ярмийо жамиятининг инсонпарварлик фаолиятида уни бутун қоралар билан қўллаб-қувватласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси Қизил Ярмийо жамияти билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши муҳокамасига: — ижораконлар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинган солиқлар тўғрисида-

Депутатлик ҳаловат эмас

— Гоҳида ўйлаб қол- ламан: депутатликдан возе- кечсамми? Ахир ўйлаган режаларининг ҳаммаси ҳам амалга ошармас.

ларнинг ўз қобига ўрала- шиб қолганлиги кишини таш- вишга солади. 1980 йили Андижондаги Бобур шох кўчаси бўйлаб Андижон клиник шифохонасидан гид- ролик заводига қадар трол- лейбус ўйли тикланган, бе- дини устуллар ўрнатилиб, сим тортилган эди. Тааж- жубки йўлдан бирор марта ҳам троллейбус қатнама- ди. Бошланган иш поёни- га етмади. Давлатнинг қар- чадан-қанча маблағи сарф- ланди-ю, уни ўз ҳолига таш- лаб қўйишди. Бокйбегам- ликнинг сабабини суриш- тирангиз транспорт қат- номи учун электр қуввати

миш-миш қандай бола- ланганга ўзим ҳам ҳайрон- ман. Хайриятки, ўзгалар гий-ғилновига унганлар ма- саланинг моҳиятига етишди. Ленин оқи оқ, қорани қо- ра дегунча асаблар эво- ланар экан.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

РЕСПУБЛИКА ПРОКУРАТУРАСИ ИДОРАЛАРИНИНГ ЭНГ ЯХШИ УРНАК КУРСАТГАН ХОДИМЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

ҚУЙИДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИГИ БИЛАН МУКОФОТЛАНДИ:

[Давоми. Боши 1-бетда].

- Абдуллаев Ҳабибулла — Қо- рақалпоғистон Республикаси про- кураторининг ўринбосари. Алиқонова Келма Исқоно- ва — Ўзбекистон Республи- каси Прокуратурасининг су- ларда фуқаро ишлари кўриб чиқилиши устидан назорат бў- лими катта прокурори. Бойдадава Махаммадин Ны- шонбоевич — Ўзбекистон Рес- публикаси Прокуратураси бошқармаси бошлигининг ўринбосари. Бегматов Эшпўлат Холмир- заевич — Ўзбекистон Респу- бликаси Прокуратураси ички ишлар идораларида тергов ва сурштириш устидан назорат бошқармасининг прокурори. Ваҳобов Мақсуд — Бухоро вилояти прокуратурасининг катта прокурори. Девронов Умаркул — Сур- хондарё вилояти Денов ша- ҳар прокуратурининг ўринбо- сари. Жабборов Қўзбой Шона- зарович — Хоразм вилояти прокуратурининг катта ёрдам- чиси. Жўрабоев Зайниддин — Сир- дарё вилояти прокуратурининг ёрдамчиси. Қодиров Ботир Ашурович — Тошкент шаҳар прокуратура- сининг катта терговчиси. Каримжўраева Ҳанифа Ҳаби- буллаевна — Ўзбекистон Рес- публикаси прокуратурасининг катта прокурори. Қилчев Фазулла — Ўзбе- кистон Республикаси проку- ратурасининг бўлим бошлиғи. Мажидаев Абдулла — Тош- кент шаҳар прокуратурасининг шофери. Мамадалиева Раъно Қоси- мовна — Наманган шаҳар прокуратурининг ўринбосари. Маматқулов Лопас Шерку- лович — Жиззах вилояти про- кураторининг катта ёрдамчиси. Шодиев Саид Хамроевич — Бухоро вилояти Когон райо- налари прокурори. Эргашев Нурали — Тошкент вилоятидаги Бўкя районининг прокурори. Эргашева Мавлуда Бекму- родовна — Самарқанд шаҳар Богичамёл району прокурату- рининг катта ёрдамчиси. Эсонов Малик Ғаниевич — Ўзбекистон Республикаси Про- куратурасининг криминалчи прокурори. Юсупов Қўчқор Йўлдошев- ич — Тошкент транспорт проку- рори.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1992 йил 27 май.

«ҲАҚ ЙЎЛДАН ҚАЙТИБ БЎЛМАС»

дейди Андижон шаҳар кенгашининг депутати Пўлатхон ТУРСУНОВА

— Пўлатхон, сайловчи- ларнинг сизнинг ишбилар- монлик фаълиятингизни гоёт қадрашди. Ленин айрим мутасаддилар учун бу ҳаракат ўз вақтида ёқинирамаган чоғи? — Эсласам гоҳида кул- гили туюлади. Айрим одам- лар ўз қиёфасини бу қадар тез ўзгартиришмас. Ушан- да — 1987 йили бор йўри учта тикув машинаси билан ширкат тузмоқчи бўлдим. Одий чевар эдим. Кели- шувга мувофиқ ширкатимиз учун жой ажратилди. Аммо вилоят аҳолига тикувчилик хизмати ўрсатиш мутасад- дилари бизни қувиб қинар- дилар. Яллиб-ёвориларимиз наф бермади. Улар тузини тескари қилиб ол- дилар. Кейин турли маҳ- камаларга елиб югуришга тўғри келди. Хайриятки трикотаж маҳсулотлари фабрикаси ишбилармонла- римизни ўз тасарруфига ол- ди. Аммо адашган эканмиз. Корхона бер-бер, дея маҳ-

нинг етишимаслигини баҳо- на қилишди. Гариш шун- дай экан, йўл нега қурил- ди? Шох кўча бўйлаб эса автобуслар тирбанд, ман- зилга етиб бориш азоб. Албдорларнинг эса парвойи фалак. Депутат талаби ҳам, бўзчининг мокисидек чопи- ши ҳам ё босган кўзларни оча олмади. — Лоқайдлик, боқибегам- лик ёмон иллат. Оёғингизга тушув бўлса борки, ўзгача бўлмас. Тўғри эмасми? — Едимга бир воқеа туш- ди. Округимиз ақли учун миляция участка пункти жуда зарур эди. Уғриллик, беозорликнинг олдини олиш- ни ўйлаб ҳам сайловчилар участка пунктини очиб та- лабни қўйдилар. Турли оstonаларга бош урдик. Ел- дик, югурдик. Ниҳоят ша- уни ижроқуми ўтган йили турар-жой биносига жойлаш- ган пойабал таъмирлаш устанонасини бизга ажрат- ди. Ленин ички ишлар бў- лимидагилар ён бергиси

ниб, обрўйингизга нутур етказмоқчи бўлган беш-ўн киши қаҳида қандай фикр- данми? — Айрим кишиларнинг масалани моҳиятига ет- мади ҳайбараналчилик қи- лишига тин бермайдим. Турли дарваларда ҳақ га- ни айтаверганим кишиларга дир ёқмади шекилли. Бош- қа сабабини, не бўлса ҳам яқинда хонадонимиз олдига беш-ўн киши тулпаниб тур- ли талабларни қўйишди. Уларнинг даъвоси бўйича маҳалладаги масжидни қу- диртирмоқчи, озиқ-овқат дўконини тижорат магази- нига айлантирмоқчи эмиш- ман. Тўғри, маҳалла қу- митасига масжидни турли жойга қўйишармай бир жойда чиройли, кўрганлар ҳавас қилгудек қилайлик деганман. Аммо баъзилар уни ўзича тушунибди. Нега йиллар давомида энди дини- миз, эътиқодимизни қайта- риб олдиқу, мен унга қар- ши бораманми? Озиқ-овқат дўкони хусусида бўлса, бу

Сўхбатдош: Фозилжон ШОДМОНАЛИ. «Ҳақ сўз» мухбири.



Фаргона нон маҳсулотлари иш- лаб чиқариш бирлашмасида хусу- сийлаштириш борасида дастлабки қадамлар қўйилди. Оби нон цехи ва «Лаззат» фирма дўкони жамоаси бу ишга биринчилардан бўлиб бош қўйдилар. Бу ерда янги нон заводи қури- лиши амалга ошириляпти. Ишлаб чи- қариш қувватини ошириш, техника- ларни янгилаш тадбирлари белги- ланмоқда. Яқинда бир кеча кунду- да 15 тонна маҳсулот ишлаб чиқар- радиган цех ишга туширилди. Бутун эътибор маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилган. Истеъмолчи- ларнинг талаблари ўрганилмоқда. Бу ўз ўрнида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш имконини бермоқда. Оли- наётган даромад жамоанинг янашии эътижларини қондиршига сарфлан- моқда. СўРАТДА: Бирлашмага қарашли макарон ишлаб чиқариш цехи. УЗА фотохроникаси.

Инсон. Қонун. Жамият.

ЖИНОЯТ ЙЎЛИНИ МЕХНАТ ТЎСАДИ

- ЕШЛАР ТАҚДИРИ — ИЖТИМОИЙ МЎАММО
- ИШОНЧГА МУҲТОЖ ОДАМЛАР
- ТАРБИЯСИ ПАДАРДАН ҲАЗАР
- ФАҚАТ ҲАЗОЛАШ БИЛАН ЖИНОЯТ КАМАЙМАЙДИ

70 ЙИЛЛИК «Қизил империя» ҳали кўп йиллар турли қури- лишларда ўз асоратини қолди- радми. Биз бугун унинг иқтисо- дийдаги қўлланасига қўпроқ эътибор бераёلمиз, ҳолос. Ва- фодуски, ҳозирда кўплаб ша- ҳар ва районларда бу комис- сияларнинг шатлари қисқар- тирилганини тарбияси оғир ўс- мирлар билан ишлашни ташкил қилишга салбий таъсир қўра- тмоқда. Ешларни ишга жойла- штириш, ҳуқуқ нормаларини бу- зганлиги ҳақидаги аҳолини тез- ликда муҳоима қилиш ёки қў- риб қиқшида сусткашлик қи- линапти. Еки яна бир ҳужжатни ойл- лик. Шу йил январдан қуяга кирган республикада ишларга доир давлат таъминотида иш- ларда бўлиши шашини ташкил қилишга салбий таъсир қўра- тмоқда. Ешларни ишга жойла- штириш, ҳуқуқ нормаларини бу- зганлиги ҳақидаги аҳолини тез- ликда муҳоима қилиш ёки қў- риб қиқшида сусткашлик қи- линапти. Еки яна бир ҳужжатни ойл- лик. Шу йил январдан қуяга кирган республикада ишларга доир давлат таъминотида иш- ларда бўлиши шашини ташкил қилишга салбий таъсир қўра- тмоқда. Ешларни ишга жойла- штириш, ҳуқуқ нормаларини бу- зганлиги ҳақидаги аҳолини тез- ликда муҳоима қилиш ёки қў- риб қиқшида сусткашлик қи- линапти.

Қамоқлардан яшаш жойларига қайтиб келганларнинг ҳаётга мослашишлари учун маънавий кўмак бериш, уларнинг қайта жиноят содир этмасликларини олдини олиш, оғоҳлантириш ишлари ўз ҳолига ташлаб қў- йилган. Район ва шаҳарларда бу тоифадаги ишларни дарҳол яшаш жойларида ҳисобга олиш ва 15 кун муҳлат ичнда уларни ишга жойлаштириш ло- зимлиги ҳақидаги қонун талаб- лари ҳам эътиборсиз қолмоқ- да. Ота-она, маҳалла, ҳуқуқ-тар- тибот ходимларининг сувоқон- лиги, лоқайдликлар занжири шу қадар узунки, санаб салоиғ- га етолмайсан киши. Биз жи- ноятчиларни оқламоқчи: эмас- миз, албатта. Фақат жиноятни келтириб чиқарувчи омилиларни қоралламоқдамиз, ҳолос. Масла- лан, айрим шахслар асосан иш билан таъминланмаганликлари, уларга ишончасилик билан қараш, ижтимоий ғимоялиниш учун шарт-шароитлар йўқлиги сабабли қайта жиноятга қўл урмоқдалар. Катталар орасида ўсмирлар ни жиноят йўлига бошлаш ҳо- лари ҳам тез-тез учраб туриб- ди. 1991 йилда вога етмаган ўсмирларнинг жиноят қилишга қўл эгланлари учун 71 киши қонун асосида жинойи жавоб- гарликка тортилди. Ешлар тақдирини борасида гап кетар экан, яна бир масалага тўхталиб ўтмасдан бўлмайди. Шу кунларда ўрта мактабларни тўқизи йиллик қилиш керак, деган фикрлар айтилмоқда. Биз бунга қарши эмасмиз. Ле- кин масаланинг иккинчи томони ҳам борки, уни эътибордан чет- да қолдириб бўлмайди. Агар, мактаблар тўқизи йилликка ўт- салан, 10-11-синфларда ўқини керак бўлган минглаб болалар бекорчига айлиб қолади. Оқибатда, жиноятчилик ортиб кетмаслигига ким қаролат бе- ро олади! Бизнингча, аввало хунар- техника билим юртларини, бош- қа шу каби ўқув муассасалари- ни зудлик билан қўйиштириш керак. Токи, 10-синфда ўқи- шини истамган ўспирини ўзига маълум хунарни эгаллашга, истаган соҳада ишлашга шартин мувофиқ бўлсин. Аф- суски, ҳозирнинг ўзидек иш қилариб юрган ишлар сонини тобора ортиб бормоқда. Айниқса қишлоқларимизда аҳолининг кўп қисми истикомат қилишини ишончга олиб иш ўринларини қўйиштиришимиз, турли-туман миллий, замонавий ишлаб чиқариш муассасалари- ни қуришимиз лозим. Шундай қилса иқтисодий тизимга ҳам самарали бўлур эди. Бу борда дастлабки қадамлар ташлана- ётгани — миллий хунармандчи- лик ва техникавий киши қар- хил корхоналар ишга тушири- лётгани қўнғилга таскин бера- ди, албатта. Бирок, улар жуда оз.

ЎЗБЕК МЎЪЖИЗАСИ РЎЙ БЕРСА АЖАБМАС

[Давоми, Боши биринчи бетда]. ўтаётди. Ўзбекистон ҳалқига хос хусусиятлар мутлаво ҳисобга оли- намган. Сабр-бардош, ақл-заковат ва меҳнатимиз билан бу қийинчи- клини бартараф қилишимиз мум- кин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам озо- дликни пулга, кўпоғча алмаштири- маслик зарур! Акс ҳолда имконини қўлдан бериб, яқдодларимиз қар- гишига қоламиз. Воқеани келтириб чиқарган са- баблар иқтисодийнинг ниқрози, ҳокимият учун талашётганлар ва Ўзбекистондан ўлжа сифатида фой- даланишни истаётганлар ҳаракати- дир. Буни талабалар тушунади. Тушунолмади ҳам. Чунки, ҳаёт тарзлари орасида катта жерлик бор. Қўлини совоқ сува урмаганлар эса студентларга рақобатлик қил- лар. Ҳозир ҳам, келажакда ҳам, то ўзинимиз тиклаб олмагунча хуш- ёрликни бир сония бўлса йўқот- маслик зарур. Чунки ташқи дунёда Ўзбекистонни ўлжа қилиб олиш пайида юрган катта кучлар бор. Улар ўз интиларини амалга оши- риш учун ҳар қандай йўлдан қайт- майдилар. Ва ўз ораимиздан жонли нукталарни топадилар. Шундай бў- лаяпти ҳам. Ҳар қачондагидан ҳам аҳиллик зарур! — Республикада қайта иш- лаш корхоналарини ривожланти- риш орқали иқтисодий қарамлик- нинг олдини олиш мумкинми? Ҳар бир мутасадди давлатнинг иқтисо- дийни унинг ички ва ташқи сис- темасини ислоҳ қилишда қайси мамлакатлар таърибисига таянмоқ мавзуб деб ўйлайсиз! — Бу саволга жавоб беришдан олдин Ўзбекистоннинг мақсадла- рини аниқлаб олайлик. Биринчидан, Ўзбекистон кўпмил- латли диндор. Демак, биз учун мил- лий тотувлик зарур. Унга ташари- ден ҳар қандай кучлар таъсир қи- лиши, аҳилликни бузиши ва ким- ларгадир таяниши мумкин. Фир- мачи, Ўзбекистон ҳеч қилининг и- чки ишларига аралашмайди. Ва бош- қачон ҳам ўзининг ички ишларига аралашмаслиги тарафдорини бўлиб қо- лиши керак. Скандинавия давлатла- ри, Австрия шу йўлдан бориб исо- бий натижаларга эришди. Бу йўл ўзбек ҳалқининг ҳам қалбига яқин. У меҳмондўст, тинчликсевар ҳалқ. Иккинчидан, Ўзбекистон иқтисо- дийдаги қийинчиликлар масала-

си бор. Қайси хорж давлатлари хамакорликда уни бир ёқлама та- раққийтдан, хом-ош базаси бўлиб қолишдан қутқизиш мумкин! Рес- публикада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни қайси давлат бозо- рига кимматроқ сотиш мумкин? Мана шу ички омили Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолияти йўнали- шини аниқлайди. Учтинчидан, келажакда туркий за- бон халқлари, миллатларини бир- лаштириш керакми? Албатта керак. Шундай экан, ташқи сисбатнинг учинчи йўналишини мана шу муам- мо белгилайди. Тўртинчидан, Ўзбекистоннинг ўз тараққийт қилиш модели бўлиши керак. Бу ҳозирги кунда шакллана- ётир. Ўзбек мўъжизаси рўй берса, ажаб эмас. Мен бунга ишонман. Эътимом, бу модель И. Каримов номи билан машҳур бўлар. Ташка- ринда модел қидирганлар фикрига қўшилимайман. Таърибдан ўргангиш мумкин, шундагина камроқ хатога йўл қўйилади. — Қишлоқ хўжалигини тиклаш орқали иқтисодий бұхрондан чи- қиш мумкинми? — Маълумки, Ўзбекистон шароит- да дехқон хўжалиги, чорвачилик муҳим аҳамиятга эга. Миллий даро- мад, ялли ижтимоий маҳсулотда қишлоқ хўжалигининг улуши 25 фо- зини ташкил этади. Қайта ишлаш саноатини қўшиб ҳисоблаганда бу рақам ундан ҳам ортади. Ва қўпчи- лик бозор иқтисодига ўтган мам- лакатлар таърибисидан шу нарса маълумки, иш аввало қишлоқ хўжа- лиқ соҳасидан бошланган, теъдда ўз натижасини берган ҳам. Ўзбеки- стонда ҳам шундай шароит бор. Бирок ўшбу соҳадаги қонулар жаммуаси ҳамон етарли эмас. Янги мулкчи шакллар ва хўжайинлик ҳиссини қучайтирувчи, манфаатдор- ликни оширувчи омилилар тўлиқ иш- га тушган эмас. Қолхоз ва совхоз қурилишига қарши ҳуружлар бўлиб турибди. Амалдаги қолхоз ва сов- хозларни дехқон хўжалиғи, фер- мерчилик, яқка дехқон уюшмала- рига айлантириш имкони бор. Ҳис- садорлар уюшмаси (акционерлик жамияти) шаклида амалга оширили- ши ҳам мумкин. Бу фақат қишлоқ хўжалиғига таваллуқ бўлмай, ҳалқ хўжалиғининг турли тармоқларига жорий қилиш керак. Ҳозир бир трактор ёки комбайни бир милли- он сўм атрофида сотишяпти, ўн-

лар нархи ошиб кетди. Дехқонлар бу қийинчиликларни фақат бирга- ликда енгишлари мумкин. — Бозор иқтисодийти ёрдамда ниқроздан чиқимизми аниқми! — Бозорни илоҳийлаштириш но- тўғри. Бозор — ишлаб чиқилган маҳсулотларни тақсимлаш, пул-тов- вар мувозанатини сақлаш воситаси, ҳолос. Яқин яшаш учун яқин меҳ- нат қилиш керак. Чунки бозор иқ- тисодийти шароитида яшаётган дав- латларда қийинчиликлар йўқ эмас. Бунинг босиш шуки, жуда кўп мам- лакатларда меҳнат турлари ва иқ- тисодий муносабатлар ўша давлат аҳолисининг хусусиятларидан кели- б чиқмаган. Қайси давлатда бунга эътибор берилган бўлса, натижа яқ- ши бўлаяпти: Япония, Сингапур, Тайвань, Жанубий Корея, Малазия, Маврикия ва бошқалар мисол бўла- ди. Шундай экан, Ўзбекистонни бозор иқтисодийти ниқроздан олиб чиқеда деган фикрлар ҳам бир ёқ- лама, ҳолос. Иқтисодий муносабат- лар миллий хислатлар билан уйғун- лашганина мувофиқлашга эриша- миз. Ва фақат шу йўл билангина миллат сифатида шаклланиш ва юр- тимиздан буюк инсонлар етишиб чиқиши учун шароит яратган бўла- миз. Шунинг учун ҳозирги иқтисо- дийта оид халқ «Иқтисодий ҳаёт» кодексини яратиб қерак. Токим, у ҳамма учун бир хил тушунарли бўл- син. — Ўзбекистон Республикасининг «Мулкни давлат тасарруфидан чиқар- ша ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонун иқтисодийта қанчада бўрилиш всаи олади! — Олий Кенгашда давлат, вилоят, район, шаҳар, маҳаллий мулк доираларини бўлиб қўядиган қонун қабул қилиш зарур. Чунки мулк ва уни хусусийлаштириш муаммоси — ҳал қилинамас экан бозор иқтисо- дийти тўғрисида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳозирда давлат мулк халқ хўжалиғида — 88,7, саноат- да — 98,6, қишлоқ хўжалиғида — 80 фондан иборат. Яқни бозорга фақат давлат корхоналари чиқедаи ва яқка хуқморон бўлиб оладилар. Агар аҳоил шундай бўлиб қолавер- сая, яқиндан пайдо бўлаётган бир- чалар ва давлат манфаати ўртаси- да қарам-қаршлилик пайдо бўлади. Бу ҳол турли хил иқтисодий тажа- вузкорликка олиб келиши ҳамда ижтимоий портлашларга сабаб бў- лиши мумкин. Сўхбатдош: Ойбек РАҲИМ. «Ҳақ сўз» мухбири.

Биргина Тошкент вилоятида болалар ва ўспирлар бир мил- lion нафарни ташкил этади. Шундан бешдан бир қисми 15-18 ёшгача бўлганлар, 400 минг нафарни ўрта мактаблар- да, 30 мингга яқин эса техник билим юртларида таълим оладди. Ҳозирги кунда вога етмаган ўсмирларнинг 3,5 минг- га бори меҳнат билан шу- гулланмайдилар. Мана шу бир миллион ишлар ўн йилдан қу- йи жамиятининг асосий куч қудрати бўлиши оғрада айла- ниши керак. Бирок, ўтган йил- ларнинг ўзида вилоятда вога ет- маган ўсмирлар 944 жиноят со- дир эттишган. Улардан 224 на- фари ёки ҳар тўртиндан фой- дали меҳнат билан шуғуллан- майдиган бекорчилардир. 113 нафар эса қайта жиноятга қўл урган. Шу йилнинг дастлабки 4 ойи мобайнида вога етмаган ўсмирларнинг жиноят қилиши ўтган йилнинг шу даврига нис- батан 45 фоизга ошган. Бу фой- дали аҳолининг сабаблари қар- шида Ҳозир вилоят ички иш- лар бозорига вога етмаган тар- тиб бузар, бозорни ҳисобга ту- рачди. Уларнинг 231 таси бе- корчи, 228 киши ишлаш ёки ўқийдиган қатъий беш торган- лардир. Бу ўспирларнинг кулк-аётларини мунтазам назорат қилиб туриш ҳамда уларнинг ишга жойлаштирили- ша фаол ердга бериш лозим. Халқимизда «бекордан худо бозор», деган ибора бор. Ўзбекистон Республикаси вога етмаганлар ҳақидаги Нико- нунинг 13-моддасига асосан бундай ишларни ишга жойла- штириш масаласи маҳаллий ҳо- қимиятларнинг вога етмаганлар иши билан шуғулланувчи ко- миссияларга ююлганлиги. Маъ- кури комиссиялар тарбиявий ўқув муассасалари, хизмат ва жомоат ташкилотлари билан

# Амир Темурабади

Ушанда сабзалар қўйидаги шаҳарга муқтадлик баҳори энди кириб келаятган, кўл етгудек яқин Ҳисор тизмаларининг бағрида қорлар қиш уйқисиде эди. Тошкентдан 507 рейс бўйича учган ҳаво лайнери соҳибқирон таваллуд тоғдан муборак заманидаги тайёроғида қўйида, қўйи чқиш тарафдан эсаётган шабада баданини жунжиктира-да, бироқ серёғин, икки қўлларининг шу кўнларни кўтирилгандай чароғон ва очки, жануб офтоби чилла захмини энгиб, сахнийлик билан нур сочиб турибди. Гарчи бизга пешвоз чиққан мезонлар меҳмонларнинг озчилигидан бир оз кўнгиллари Амир Темурабади билан кўн билан муносабати билан ўзига хос мўъжаз академия» таъриф буюрган эди. Албатта, жамоатчилик бу илк марта бўлаётганини сезиб турарди. Езувчи Е. Березиков иборатлари билан айтганда «Маркс ёки Ленин туғилган кўнларни муносабати билан меҳмон кўтиб ўрганган халқ», жаҳонгир бобокалон таваллуд айёмини нишонлаш бахтига ҳам муассар бўлди. Тўғриси, бу «бахт кўтилмаганда насиб этди, шунинг учуним ўз шайоқинини тўла намоён қилмапти. Хўшбар хотираларини қозоғга тушира туриб кейинги қадимларни мушоҳада қиларкансан, ҳаёли тўзиб кетади. Хўссан, йирик олим, академик аҳмадли АСҚАРОВ билан шу мавзуда суҳбатлашгандан кейин ҳали муносабатлар тўла аниқланмаганини [яъни, муз ўрнидан бутунлай кўчмаганини] ҳис қилдим.

Аҳмадли АСҚАРОВни таънашришига зарурат бўлса, у кишини жаҳон фани доирасидаги йирик археолог-олим, республика Фанлар академиясининг академиги, академия тарих институтининг директори, халқаро ЮНЕСКО ташкилоти «Илм йўли» экспедициясининг илмий раҳбари ва бош маслаҳатчиси эканлигининг эслатиб ўтмоқчиман. Академик А. АСҚАРОВ республика халқ депутати ва Олий Кенгаш қўмиталари бирининг раиси ҳамдир. Олим шахсий даража ва кўплаб ташвишларини бир чегга йиғиштириб, Шахрисабздаги маъракада қатнашишга имкон топди, барча тадбирларнинг бошида турди. Мусохаба ўша таассуротларни эслашдан бошланди.

